

Она-бола молхона деворига таппи ёпишарди: болакай эски челакда ўтинхонадан кўмир кукунини ташир, енгини тирсагигача шимариб олган онаси таппини кўмир увокларига булаб, думалокларди-да, сўнг деворга урарди. Болакай бировга зарда килгандек пачок челакни дам-бадам даст кўтариб ерга тўнкарар, ботинкасининг бир ёни ейилган пошнаси билан челакни устма-уст тепкилар эди. Онаси шунда ҳам пинагини бузмасди.

Илонтепада кизгин "жанг" кетаётган шундай паллада шалаббо бўлиб кўмир ташиётган болакайнинг аламдан бўгилиб йиглагиси келарди...

Кўчада от туёкларининг таниш дупури эшитилди. Болакай кўчага отилмокчи бўлди-ю, онасига караб, турган жойида бўшашиб кетди. Онаси худди кулок билан кўчани кўриб бўладигандай хиёл бошини кийшайтириб, ўкрайиб кўйди:

— Кара, биров келганга ўхшайди!

Болакай кўчага отилди. Узун чакмонли киши дарвоза рўпарасидаги букри толга отини богламокда эди.

— Эна, Тош тогам!

Болакай тоғлар орасида яшовчи чўпон тоғасини жуда яхши кўрарди. Тоғаси хар гал унга гаройиб совгалар олиб келарди. Чиройли тош граната, ёгоч автомат ҳам шу кишининг совгаси эди.

— Оббо, азамат-эй! Кўзивоймас, Кўчкорвой бўлиб кетибсан-ку! — дея тоғаси гирдикапалак бўлаётган болакайни баланд кўтарди. Ана шунда Кўзивойнинг кўзи тоғасининг тулки телпагига кистирилган сап-сарик бойчечакка тушиб колди-да, унинг эркалаб айтган гаплари кулогига кирмай кўйди. Кечагина Мурод чилим бошлик болалар лойга беланиб, кирдан бойчечак тополмай кайтишган эди. Мурод чилимдек одам тополмай шалвираб кайтган бойчечакни у — Кўзи лилипут кўтариб борса, койил бўларди-да!

Тоғаси ховлига кирганда ҳам Кўзивойнинг кўзи телпақда бўлди. Хар канча ийманса ҳам, барибир ўзини тутиб туrolмади:

— Тога, ановини каердан олдингиз?

— Айтгандай, сенга бойчечак топиб келувдим, — деди телпагини кўлига оларкан, жиянининг халидан бери бошига жавдираб турганига энди тушунган тоғаси. — Кара, кандай чиройли!

— Ростдан ҳам менгами? — деб болакай терисига сигмай иргишлай бошлади.

— Ха-да! — деб тоғаси бойчечакни телпагидан авайлаб олиб, унга тутди — Ановини кара!

Каттик ердан катраб чиккан  
бой-че-чак!

Юмшок ердан ялтираб чиккан  
бой-че-чак!

Кўзивойнинг кўлига бойчечак тегиши билан у теваракка лой сачратиб, Илонтета томон шаталок отди.

— Ур-ре-э-э! — у бойчечакни кўлида хилпиратиб, тойчоқдек шаталок отиб чопар эди.

— Пиёзини лойлаб ол, сўлиб колади! — деганча ортидан кичкириб колди тоғаси.

Кўзивой Илонтетага якинлашганда тепагузарликлар "тор-мор" этилган эди.

Пастгузарликлар кўмондони Мурод чилим кўллари боғланган "асирлар" олдида гўдайиб у ёқдан-бу ёқка юрганча уларга кандай жазо бериш устида бош котирарди. Ўйин

коидасига мувофик кимдир отувга, кимдир осувга, кимдир сургунга хукм килиниши керак.

Шафкатсизлиги билан донг таратган Мурод чилимнинг туркидан кўркулик эди. У "наган"ини хавода ўйнатганча асабий одимлар, белидаги киличи, этиги кўнжида осилиб турган хўл ва кир пайтаваши шап-шап этиб болдирига уриларди.

— Ўртоқ кўмондон, душманлар!

Кўмондон бир сакраб тушди.

"Банди"лар ялт этиб пастга карашди. Кўзивой тепалик сари ўрмалаб келарди. Буни кўриб, "асир"лар нигоҳидаги оний кувонч сўнди: "Лилипутнинг кўлидан нима келарди? Отабек бўлганда..."

— Душман канча? — деб Кўзивойнинг ёлғизлигини кўриб турган бўлса ҳам сокчига юзланди кўмондон.

— Биттага ўхшайди.

— Аниги?

— Битта, ўртоқ командир!

— Тириклай ушлансин!

"Курулланган" уч "жангчи" болакайни куршаб ола бошлади.

— Мен ўйнамайман! Мен бойчечак олиб келяпман! — деб бакирди нафаси бўғзига тикилган Кўзивой. — Мана!

У кўлидаги бойчечакни баланд кўтарди. Бойчечакнинг сап-сарик япроклари куёш нурида тилладай товланиб кетди.

— Каердан топдинг?

— Койил!

Бойчечакнинг куёш нурида товланиб турган тилла япрокчалари Мурод чилимдан бошка хамманинг кўнглидаги гина-адоватга бархам берди. Чилим ҳам бойчечакни кўриб бир энтикиб тушган бўлса-да, "жанг"дан кейин зўрга етишган лаззатли онлардан махрум килгани учун Лилипутни ич-ичидан бўралатиб сўкди.

— Зўр-ку, когозмасми?— деди у хаммадан кейин бойчечакни кўлига олиб. — Хўб вақтида келдинг-да, пакашвой. Бу энди бизники бўлади!

Унинг соккадай кўзлари айёрона ўйнаб турарди.

— Нега сеники бўларкан? — дея чувиллашди тепагузарликлар.

— Сизларни енгдикми, енгдик! — деб баланд келди кўмондон. — Барча мол-мулкларинг ҳам энди бизники бўлиши керак.

— Тўгри, тўгри! — тасдиклашди кўмондонларининг аклига койил колган шериклари.

— Ўйин коидасида бойчечак йўк! — деб бўш келмади Рўзивой. (Отабек келмагани учун бугун у кўмондонлик киларди). — Бермасанг, Отабекни чакираминг!

Отабек билан Мурод тенгдош бўлса ҳам, Мурод ундан чўчирди.

— Учгача санайман. Берсанг бердинг, бўлмаса... Бир, икки, икки ярим, чоракам уч...

Мурод довдираб колди. Лекин сир бой бергиси келмади.

— Отабек-потабегинг билан кўрkitолмайсан! — деди ингичка бўйнини ўрдакдек чўзиб.

— ўирром!

— Ўх-хуу! Хали биз гирром бўлиб колдикми? — деди бу тухматдан бўгилган Рўзивой.

Сўнг ёнидаги болакайга буюрди: — Асад, Отабекка чоп!

Энди катта жанжал бўлиши аниқ эди. Буни Мурод ҳам сезди-да, чопишга шай турган Асаднинг енгидан ушлаб тўхтатди.

— Бўпти, жириллайверма. Конун бўйича бизники тўгри бўлса ҳам гапингга кўнаминг.

Факат битта шарт билан: бойчечак хаммамизники бўлади.

Икки гузар болалари "Бойчечак" айтишда хам ўзаро беллашиб келишарди. Биринчи бўлиб "Бойчечак" айтганлар анчагача нариги гузарликларга гап бермай юришарди.

Мурод эшитмаганларини топиб айтарди.

— Йўк! — дея Рўзивой бурилмокчи эди, Мурод кўймади.

— Шошма, балки Кўзивой розидир. У эсли бола, хар нарсага жириллайвериш яхшимаслигини тушунади. Тўгрими, Кўзивой?

Болалар шундан кейингина бир четда қолиб кетган Кўзивойни эслаб қолишди. Ўроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда хозир, дегандек бойчечагига хўжайинлик килувчиларнинг кўпайиб кетганидан эзилиб турган болакайга Муроддек машхур саркарданинг "Кўзивой" деб майин илжайиши ёкиб кетди.

— Бирга айтсак, нима бўпти! Кайтанга кўпчилик бўлсак, кучуклар якинлашолмайди, тўгрими?

Хижолат чекаётган Кўзивой иккиланиб колди.

Рўзивойнинг жахли чикди:

— Кўнмокчимисан, унинг гапига? Билиб кўй, хозир бойчечакни олмасанг, иккинчи сен билан ўйнамаймиз!

— Ўйнамаса, ўйнамас! — деб аврай бошлади Мурод. — Мана, биз бормиз. Биз билан ўйнайверасан. Сен эса, хей, ёш болага унака дўк килаверма, абжагингни чиқариб кўяман.

— Шунаками? — деб Муродгамас, балакайга караб аламли хайкирди Рўзивой, — Соткин! Кетдик, жўралар!

Тевагузарликлар Кўзивойга ўкрая-ўкрая пастга туша бошладилар. Эсанкираб колган Кўзивой хам уларга эргашмокчи эди. Мурод кўнмади.

Кўзивой нимадир демокчи бўлди-ю, томогига гўшт тикилгандек бурнини торта-торта ўртоқларининг орқасидан караганча колаверди. Тевагузарликлар кўздан гойиб бўлиши билан Мурод:

— Кўзивой — бойчечакнинг эгаси, у бошқалардан уч хисса ортик хак олади! — деб эълон килди.

Кўмондоннинг ана шу одиллигидан сўнг болакайнинг чиройи очилгандек бўлди.

... Шомга якин кишлок бўйлаб болаларнинг янгрот овози жаранглади:

Бойчечак аввал бахорда очилади-ей,  
очилади!

Яхшиларнинг қошида сочилади-ей,  
Бой-чечак, бо-ой-че-чак!

Бу овоз хали магзи илимаган далаларга, эндигина куртаклаётган дарахтларга, окимтир осмондаги ялтирок юлдузларга тегиб акс-садо бераётгандек туюларди.

Режа бўйича, "Бойчечак" айтиш Фотима фолбинниқидан бошланди. Фотима фолбин кишлок четидаги ховлида ёлғиз яшарди. Унинг уч ўгли урушда халок бўлган, фарзанд доғи момонинг рухига каттик таъсир килган эди. Кишлоқда у хакда хар хил миш-мишлар юрарди: фолбин окшомлари фариштаю малойикалар билан гурунглашармиш, ховуз бўйида ажиналар билан ногора чалиб базм килармиш. Кимки фолбиннинг жигига тегса огзини кийшиқ, оёгини шол килиб кўярмиш...

Ховли атрофида нурайвериб ер багирлаб колган пахса девор чўкиб ётган туя, калласи хумдек айик ва яна алланима балоларни эслатарди. Бўготда осилиб турган янтоқ пардалар шамолда Ибн Хаттоб чолнинг соқолига ўхшаб селкиллар, буралиб-буралиб

Ўсган жийда танаси битта, боши мингта аждардек кўнгилга вахима соларди.

— Калтаги борлар олдинга ўтсин! — буйрук берди Мурод дарвозага якинлашишгач. —

Кучук чикса, ҳеч ким кочмасин! — у овози борича куйлаб юборди:

Бойчечак айтган билан тўямизми-ё!

Бурунгилар одатини кўймизми-ё!

Бо-ой-че-чек!

Нимкоронги уй эшиги гийкиллаб, саватдек сочи устидан рўмол ўраб олган фолбин чикди.

Узун камзулини судраганча хассасини тўкиллаб келаётган кампир алвастининг

ўзгинаси эди.

— Ўргилайлар, баҳор келдимиз-я? — демаса баъзилар жуфтатки ростлаб, кочишлари турган гап эди.

— Бўлмаса-чи, мана, каранг, — деб бойчечакни унга узатди Мурод.

— Айланиб кетай баҳор элчисидан. Бел огригидан кутуладиган бўлибман-да, — дея фолбин бойчечакни кўзларига суртди, япрокларидан авайлаб ўпди, сўнг козондек рўмолининг катларини узок тимирскилаб нимадир олди-да, Муродга берди.

— Ма, суюнчи!

— Козонини шунча кавлаб ўттиз тийин берибди-я! — деди фолбиннинг пулини фонус ёругига солиб қараркан Мурод кўчага чиқишгач.

— Шунисига ҳам раҳмат десангчи, гап пулда эмас-ку! — деди босиклиги ва билагонлиги учун "профессор" номини олган Бахрилла. — Бечора момонинг бойчечакни кўриб севинганини кара! Йиглаб юборди-я.

— Тўки-я, тўки! — деб кўл силтади Мурод.

— Йиглади! Мен олдигинасида эдим, аник кўрдим, — деб шоша-пиша Бахрилланинг сўзини тасдиқлади Кўзивой.

— Вой, лочин кўз-эй, коронгида одам одамни базўр танийди-ю, бу киши кампирнинг кўзидаги ёшни кўрганмиш! — деб масхара қилди Мурод. Кейин муроса қилгандек кўшиб кўйди: — Майли, йигласа, йиглагандир. Тўридан гўри якин одамларнинг бари шунака — йиглокирок бўлади. Кани, етишиб, етишиб юринглар. Бирортангни хап этиб кучук копиб олмасин тагин.

Болалар кейинги ховлига якинлашишди.

— Шу ерда бир зўр берасизлар, — деди Мурод дарвозадан қираётганларида. — Шодмон амакининг боласи йўк, бир эритамиз:

Анов томнинг оркасида

ой кўринар,

Хамма уйдан мана шу уй

бой кўринар!

Том ортидаги тераклар устида жилмайиб турган тўлин ой ховлини сутдек ёритиб юборган, ҳар жой, ҳар жойда сув қўллаб қолган олачалпок супа пастида устига катта

сават тўнкариб кўйилган сўри — хамма, хаммаси кундуздагидек аник кўриниб турар эди. Болалар "Бойчечак" айта-айта сўрига якинлашиб келишди хамки, ҳеч ким чикмади.

— Мановини тагида катикми, каймокми борга ўхшайди, — деди бетокат болалардан бири саватнинг тагига бошини тикиб. — Ҳеч ким чикмаса, кади-падиси билан олиб жўнаймиз.

Худди шу гапин кутиб тургандек оркадаги деразада кизгиш шуъла пайдо бўлди. Кенг ола чопонини елкасига ташлаб олган Шодмон амаки йўтала-йўтала чиқиб келди.

— Хей! Нега чинкирасанлар, кулок-мияни кокиб бердиларинг-ку! Хе, ўша!..

Бунака дўк-деварани кутмаган болалар кўчага қараб қочмокчи бўлишган эди, Шодмон

ака дарвоза томонни тўсиб олди.

— Хеч гўрга бормайсанлар! Хаммангни Мўйноқка талатаман. Мўйноқ, хо Мўйноқ!  
Кўркиб кетган болалар девор тагига гуж бўлиб олишди. Кимдир йиглаб юборди.

— Ким йиглади?

Чурк этган овоз чикмади.

— Мен демайсанми! — деб негадир Мурод Кўзивойни олдинга итарди.

Кўзивойнинг дами ичига тушиб кетди.

— Сенмидинг? Яна бир йигла, бўл! Йўк, кўшиқ айт, биласанми кўшиқ?

Болакай аранг бошини кимирлатди.

— Зўридан айтсанг, мана, шу сеники. — Шодмон ака киссасидан бир чангал гижимланган пул чикарди.

— Айт, бўлмаса, еб кўйяман, вов-вов!

Муроддан эшитавериб миясига ўрнашиб колган сўзлар беихтиёр болакайнинг огзидан чикиб кетди

"Бойчечак" айтиб келдик

эшигингизга.

Худойим ўгил берсин

бешигингизга

Бойчечак...

Унинг калтирок овозини эшитган Шодмон ака бирдан бўшашиб кетди. Энкайиб болакайнинг юзларини кетмондек кафти билан силади. Кўланса арак исидан Кўзивойнинг боши айланиб кетди.

— Яна битта айт, жон ўглим...

Кўзивой боя айтганларини яна такрорлади.

— Айтганинг келсин, болам. — Шодмон ака хумдек бошини боланинг кўкрагига тегизиб мунгайиб колди.

Табиатан камгап ва юмшоккўнгил бу одам ичганда феъли айниб, ўзгариб кетарди.

Шунака пайтда "Шодмон ака кўча-кўйда болаларга канд-курс улашиб юрарди", десалар, хеч ким ишонгиси келмасди.

Тераклар орасидан куйилаётган ой нури амакининг силкинаётган елкасини, сиргалиб ерга тушган ола чопонини ёритиб турарди. Бу гаройиб тасодифдан болалар анкайиб колишди.

— Энди кетинглар! — деди бирпасдан сўнг бошини кўтариб амаки.

Кўзивой Шодмон амаки берган пулларни ола ўзини дарвозага урди, колганлар хам чувиллаб кўчага югуришди. Фонус ёругида пулни санаб кўришди: ўн икки сўм! Бу — шу чоккача йигилган пулларнинг хаммасидан кўп эди.

— Энди эрталабгача ухлаш йўк!

— Бир йилдан бир кун ухламасак ўлмасмиз!

Шодмон амакининг сахийлиги болаларни рухлантириб юборди.

Улар бирин-кетин ховлиларга кириб чика бошлашди. Хамма хонадонда уларни кувонч билан кутиб олишар, кампир-чоллар бахор элчиси — бойчечакни кўзларига суртишар, урушдан кейинги огир йил бўлишига карамай болаларга канд-курс, майиз, ёнгок, пул беришар эди. Пулни Муроднинг ўзи олар, бошкаларини эса Ортик деган ялпок юзли бола халтага солиб, оркалаб борар эди. Агар Исмаат чўлокникида юз берган ходиса бўлмаганда, болалар хали-бери таркалишмасди.

Исмаат чўлокнинг дангиллама ховлисига кадам кўйишлари билан, димокка гуп этиб, тезак

хиди урилди. Дарвозахонага туташ молхона деворларига бирор карич жой колдирмай таппи ёпилган эди. Молхона охирида лайлак килиб кўйилган эшак араванинг шотиси ташкарига чикиб турар, арава ёнидаги устунга боғланган эшак янтоқ чўкиртақларини кавшар эди.

Бойчечагим бийрондур-эй  
бийрондур.

Козон тўла айрондур-ур.р! Бой...

Хамманинг огзидаги огзида, бўғзидаги бўғзида колди. Осмоннинг таги тешилиб кетгандек, томдан устиларига шовиллаб тўкилган сув баданларини жунжиқтириб, кийим-бошларини шалаббо килди. Кейин итнинг юлкина-юлкина ириллаши эшитилди. Довдираб колган болалар дуч келган томонга ура қочишди. Кўзивой жонхолатда Муроднинг этагига ёпишди. Мурод унинг кўлига бир уриб, этагини бўшатди-да; "Хамма эски сарой томонга!", деганча тун қаърига сингиб кетди. Хайриятки, ит у тарафга қочганларни қувди, йўкса...

Болалар анчадан кейин эски саройда тўпланишди. Кимдир курук хас-хашак топиб, гулхан ёқди.

Мурод ерга тўшалган газета ёнида чўккалаб, гулхан ёругида йигилган пулларни санаб чиқди.

— Ўн саккиз сўм.

— Йўғ-э, — Шодмон амакининг ўзи ўн икки сўм берувди-ку?

— Алишернинг бобоси беш, Гулсара мом уч сўм...

— Хаммаси шу! — деб болаларнинг сўзини кесди Мурод. — Итдан кўркиб қочганимда тушиб қолганга ўхшайди.

Болалар гумонсираб "кўмондон"га тикилишди.

— Ишонмаяпсизларми? Мана, кўринглар, — деганча Мурод чўнтақларининг астарини ағдариб кўрсата бошлади.

— Майли, борини бўл!

— Ишониш керак-да, одамга. Менга кўпчиликнинг хаки керакмас! — Мурод кўли билан болаларни санади. — Ўн иккита эканмиз.

— Ўн учта!

— Ўн иккита.

— Кўзивой-чи?

— У ҳисобмас.

Бу гапни эшитган Кўзивойнинг тиши тақиллашдан, бадани қалтирашдан тўхтаб қолди. Болалар ҳам хайрон бўлиб, "кўмондон"га қарашди.

— Устимиздан сув қуйган ким? Шунинг оғайинилари! Жўралари билан тил бириктириб, бизни музлатмокчи бўлган у лилипут!

— Кўй-э, пешиндан бери ёнимизда-ку! — деб болақайнинг ёнини олди Бахрилла, — оз бўлса ҳам бериш керак. Эви билан-да...

— Мехрибонлигингни катта холангга қиласан! — деб Бахриллага ўшқирди Мурод. — Ичинг ачиётган бўлса, ўзингникини беракол!

— Нега, Бойчечак меники-ку! Сенга уч хисса кўп бераман девдинг-ку? — деб йигламсиради. Кўзивой.

— Меникимиш! Ма, пишириб е! — Мурод ерга тўшалган газетанинг бир четида ётган бойчечакни жаҳл билан Кўзивойга қараб олди. Бойчечак сал наридаги кўлмакка тушди. Тилларанг япроқчалар қоп-қора булутлар қаърига қираётган қуз қуёшидек балчикка

чўка бошлади. Чўкаётган бойчечагига тикилганча суратга тушаётгандек котиб колган Кўзивойнинг хўнграгиси, дод солиб депсингиси келар, лекин тушуниб бўлмайдиган аллакандай туйгу уни соков килиб кўйган, азбаройи хўрлиги келганидан мик этолмас эди.

Болаларнинг нигохи ҳам чўкаётган бойчечакка михланиб колган эди. Уларнинг калбида ўз "кўмондон"ларига нисбатан нафрат хислари уйгонган, лекин ҳеч кайсиси дилидагини тилига чиқаришга ботинолмас эди. Факат Бахрилла ўзини тутиб туролмади. У бирдан энкайди-да, лойкага кўл тикиб, бойчечакни олди.

— Шунчаликмас-да, Мурод. Бойчечакда нима айб? Бу... бу...

— Э-э, бу-булайверма! — деб ўшқирди Мурод. Агар Бахрилла яна бир огиз тескари гап килса, ёқасидан олгудек шашти бор эди унинг.

Бахрилла аламини зўрга ичига ютди. Бойчечакнинг япроқларини этагининг учи билан арта-арта уни Кўзивойга тутди:

— Ма, Кўзивой, хафа бўлма, меникени икковимиз бўлишиб оламиз.

Бахрилланинг меҳрибонлиги Кўзивойнинг сабр косасини тоширган энг сўнги томчи бўлди.

— Мен... менга керакмас! Мен Усмонга бермокчи эдим. Касал, онаси касал унинг! — деб алам билан хайқирди Кўзивой. Кейин ўпкаси тўлиб, хўнграб юборди.

Бу гапдан Бахрилла ҳам, бошқалар ҳам титраб кетишди. Хатто хозиргина урушқок хўроздек хурпайиб турган Муроднинг вужуди ҳам ток ургандек зиркирарди.

Усмон Муродларнинг ён кўшнисини эди. Урушнинг адогида Усмоннинг отасидан кора хат келган, касалманд онасига караш ёлғиз Усмоннинг зиммасида эди. Мурод кунора онаси пишириб берган овкатни Усмонларникига олиб чиқар, Усмонларнинг ахволи ҳаммадан кўпроқ унга, Муродга аён эди. У бўлса... эртага сигарет олиш учун ўз ўртоқларига шумлик килиб ўтирибди-я...

— Менга кара, Мурод...

Мурод ялт этиб Бахриллага каради. Бахрилла уни койигани огиз жуфтлади-ю, яна фикридан кайтди:

— Сенга бир гапни тушунтиргандан кўра... Болалар, Кўзивой жуда тўғри ўйлаган экан. Келинлар, ҳамма пулни Усмонга берамиз.

— Бўпти!

— Роса севинади бечора Усмон, — деб чугурлашди болалар.

Мурод каловланиб колди.

— Нега сен индамайсан? — деди унинг индамай колганини ўзича тушунган Бахрилла. — Бергинг келмаяптими? Ихтиёринг, зўрламаймиз. Хаккингни ол-у...

Мурод бошини шартта кўтарди. Бир нима демокчи бўлди. Лекин тили гапга келмай, беихтиёр Кўзивойга караб бир кадам ташлади-да:

— Шунака экан, нега боя айта колмадинг? — деди ўксиниб. Сўнг нафрат билан тикилиб турган болаларга бир каради-да, шартта ўтириб этигини ечди, пайтаваси орасидан гижимланган коғоз пулларни олиб газетага ташлади.

— Жуда жойига яширган экан-у! — деб юборди кимдир.

— Бу киши яна кўмондош эмиш...

— Мен... мен... — Мурод сакраб турди-да, этик-пайтавасини олиб, ўзини тун кучоғига отди...

— Ўзидан кўрсин, — деди болалардан бири.

Бахрилла пулларни шу холича газетага ўради. Болалар энг кувончли хабарни

юртдошларига етказишга ошикаётган элчилардек гувиллаб Усмонларникига жўнашди. Олдинда пилдираб кетаётган Кўзивойнинг шодлиги ичига сигмасди. Унинг хаёлида кўлидаги бойчечак машъала сингари хаммаларининг йўлини ёритаётгандек туюлар ва шунинг учун хам кўлини баланд кўтариб кетиб борарди.